

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.06.2018.В.72.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ҲАМРОЕВА МАРҒУБА КОМИЛОВНА**

**ЎРТАЧА ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА СОЯ НАВЛАРИНИНГ  
ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДОНИНИНГ БИОКИМЁВИЙ  
ТАРКИБИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

**03.00.07 – Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2020**

УДК 635. 57.581.1.577.1

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ҳамроева Марғуба Комиловна**

Ўртача шўрланган тупроқларда соя навларининг физиологик хусусиятлари ва донининг биокимёвий таркибини илмий асослаш.....5

**Ҳамраева Марғуба Камиловна**

Научное обоснование физиологических особенностей сортов сои и биохимического состава зерна на среднесоленых почвах.....21

**Hamroyeva Marguba Komilovna**

Scientific substantiation of the physiological characteristics of soybean varieties and the biochemical composition of grain on medium saline soils .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.06.2018.В.72.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ҲАМРОЕВА МАРҒУБА КОМИЛОВНА**

**ЎРТАЧА ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА СОЯ НАВЛАРИНИНГ  
ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДОНИНИНГ БИОКИМЁВИЙ  
ТАРКИБИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

**03.00.07 – Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/B287 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар</b>	<b>Ёрматова Диларом Ёрматовна</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Қўшиев Ҳабибжон Ҳожибобоевич</b> биология фанлари доктори, профессор <b>Жумаев Фарход Ҳожиқурбонович</b> биология фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	Тошкент давлат аграр университети

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.28.06.2018.B.72.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117 Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўч., 11 уй. Тел: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-26-12, e-mail: [bsu\\_info@edu.uz](mailto:bsu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, 200117 М.Иқбол кўчаси 11 уй. Бухоро давлат университети мажлислар зали. Тел.: (+99865) 221-29-14, факс: (+99865) 221-26-12.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Э.Холлиев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси б.ф.д., профессор

**Н.Э.Рашидов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н., доцент

**С.Б.Бақоев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда аҳоли сонининг ортиб бориши билан озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб бормоқда. Бу ўринда, қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатини оширишни кенг йўлга қўйиш тақозо этилмоқда. Соя дони ва изоляти - озиқ-овқат саноатида энг яхши хом ашё; шроти - чорвачиликда, паррандачиликда, балиқчиликда оқсилли, тўйимли озуқадир. Ер шарида ишлаб чиқиладиган ўсимлик мойининг 35% соя донидан олинади. Сўнгги маълумотларга кўра, дунё мамлакатларида экиладиган соя майдонлари ҳажми 117 млн.гектарга етди. Энг катта соя майдонлари АҚШда 36,3 ва Бразилияда 33,7 млн.гектарни ташкил қилиб, экиладиган соя дони дунё бўйича 356 млн. тоннани ташкил этади.

Жаҳонда соя донини етиштирадиган мамлакатларда ундан озиқ-овқат саноатида оқсилли хом ашё ва тупроқ унумдорлигини тиклашда атмосферадан биологик азотни ўзлаштирувчи экин сифатида эътибор берилади. Соя донларини нитрагин штаммлари билан ишлов бериб экиш натижасида, ўсимлик илдизида тугунаклар ҳосил қилади ва тупроқда соядан кейин биологик соф азот қолади. Соя экиш, тупроқда азот тўплашнинг энг қулай биологик усулларида бири бўлиб ҳисобланади. Соя дони таркиби 40-43 % оқсил ва 21-23 % мой бўлиб, унинг таркибида инсон учун зарарли моддалар мутлоқо учрамайди. Соя донидан 400 дан зиёд турли хил маҳсулотлар олинади. Соя мойидан ташқари соя сути, соя оқсилли, соя изоляти ва дон ҳосилдорлигини ошириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда аҳолини ўзимизда етиштириладиган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни амалиётга тадбиқ этилишига ва мамлакатимизда соя ўсимлигини экишга катта эътибор қаратилмоқда. 2019 йилда барча вилоятларда соя майдонлари 19 минг 500 гектар майдондан ошди. Бундан асосий мақсад республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мослашган янги соя навларни экиш, юқори ҳосил олиш, шу асосда экиладиган навларни танлаб олиш, ривожланиш онтогенезида борадиган физиологик жараёнлар ва биокимёсини ўрганиш борасидаги илмий ишларга эътибор қаратиш. Соя донини мақбул технологиялар асосида қайта ишлаб мой заводларини мойли уруғлар билан таъминлаш ва четдан келтириладиган соя донининг ҳажмини қисқартиришга эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Барча вилоятлардаги мой заводларида соя донидан мойи ажратилиб, изолятидан паррандачиликда ва чорвачиликда оқсилли озуқа сифатида фойдаланилмоқда. Соя дони экологик тоза, сифатли озиқ-овқат маҳсулоти етказиб берадиган ва тупроқ унумдорлигини оширувчи маҳсулот сифатида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

Ҳаракатлар стратегияси<sup>1</sup> тўғрисида”ги Фармонида Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича 3.3-бандидаги, “Уруғчилик тўғрисида”ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2016 йил 7 февралдаги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда республикада соя экинини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сонли қарори шунингдек, мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республиканинг шўрланган тупроқларида маҳаллий ва хориждан келтирилган соя навларининг физиологик хусусиятлари ва йиғиб олинган донининг биокимёсини ўрганиш аввало ўсимликдан сифатли ва юқори ҳосил олиш, иккинчидан соя донини қайта ишлаш саноатида кенг фойдаланиш имконини беради. Соя навлари физиологияси ва биокимёси бугунги кунда кам ўрганилган.

Соя навлари физиологияси бўйича тадқиқотлар К.Сафаров (2008), Х.Н.Атабаева (2003), Д.Ё.Ёрматова (2017), Д.Р.Аннамуротова (2008) маълумотларида келтирилган. Дон маҳсулотларининг кимёвий таркиби Л.Я.Ауэрман, М.Г.Васиев (1999), Л.А.Азин (1994), Д.Ё.Ёрматова (2014), В.Г.Щербаков (1991), Н.Н.Гатько (2007), Р.А.Хаитов, Ҳ.Б.Эргашева, В.Э.Раджабова, Р.Т.Адизов (2008), Б.Б.Тоиров, С.Д.Бобоев (2008) ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган. Аммо, соя экотипларини шўрланган тупроқларда ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳамда соя донини қайта ишлаб озиқ-овқат саноатида фойдаланиш борасида олиб борилган ишлар етарли эмас, қимматбаҳо кимёвий таркибга эга бўлган, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқариш ва амалиётга жорий этиш масаласи долзарб, илмий-амалий иқтисодий аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари (“Ўртача шўрланган тупроқларда соя навларининг физиологик хусусиятлари ва донининг биокимёвий таркибини илмий асослаш”) мавзусидаги ҳамда экспериментал биология лабораториясининг “Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига ташқи омиллар таъсирини тадқиқ қилиш” мавзусида олиб борилаётган тадқиқотлар режаси асосида бажарилган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Бухоро вилояти ўртача шўрланган тупроқ-иклим шароитида (*Glicine hispida Maxim*) маҳаллий ва хориж соя навларининг физиологик хусусиятларини аниқлаш ва донининг биокимёвий таркибидаги ўзгарувчанлигини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

турли соя (*Glicine hispida Maxim*) навларининг Бухоро вилояти ўртача шўрланган тупроқларида ривожланиш онтогенезини ўрганиш;

соя уруғларини нитрагин (*ризобиум japonika*) препаратлари ёрдамида ишлаб экиш ва шўрланган тупроқларда биологик азотнинг тўплаш ёки тўпламаслигини аниқлаш;

ўртача шўрланган тупроқларда соя навлари барг сатҳининг нитрагин-137 штамми таъсирини аниқлаш;

ўртача шўрланган тупроқларда экилган соя навларида ривожланиш даврида борадиган физиологик ўзгаришларни (транспирация жадаллиги, фотосинтез маҳсулдорлиги, баргдаги хлорофилл пигментларини) аниқлаш;

соя навлари донининг кимёвий таркибидаги мойнинг сифат кўрсаткичларининг ўзгариб боришини ўрганиш;

турли хил соя навлари донидаги моддаларнинг хавфсизлик даражаси ва санитар-гигиеник кўрсаткичларини баҳолаш;

турли хил соя навларининг ёғсизлантирилган унидан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларининг токсикологик кўрсаткичларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида соя (*Glicine hispida Maxim*)нинг маҳаллий Дўстлик нави назорат сифатида, Парвоз, Нафис, Краснодар селекциясига оид ўртапишар Славия ва Олимпия навлари, нитрагин-137 штамми, соя дони, соя уни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** турли хил соя навларининг ривожланиши, ҳосилдорлиги, тупроқ нитрагини таъсирида уруғларни экиш, физиологик жараёнларнинг бориши, кимёвий таркиби - оқсил ва мой кислоталари миқдори, нон маҳсулотларига қўшиладиган соя уни миқдорини аниқлаш. Дон ва ун элементларининг хавфсизлик даражаси ва санитар-гигиеник кўрсаткичларини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация иши тадқиқотларини амалга оширишда фенологик, физиологик, биотехнологик, биокимёвий, санитар-гигиеник, статистик услубларда фойдаланилган. Биринчи марта соя донининг кимёвий таркиби, дондаги мойнинг сифат кўрсаткичларини аниқлашда, замонавий умум махсус органолептик (Сенсор усулида), физик-кимёвий ва хом-ашё, ун ва тайёр маҳсулотларни биокимёвий усуллардан фойдаланилиб Бухоро муҳандислик-технология институти, Бухоро вилояти санитария эпидемиология назорат маркази (Хромотаграфия усулида), Ўзбекистон Республикаси ФА Биоорганик кимё институти (Крембер усулида) лабораторияларида ўрганилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

илк маротоба Бухоро вилояти шўрланган тупроқларида ўртапишар соя навларининг (*Glicine hispida*) ривожланиши ва ҳосилдорлиги аниқланган;

биринчи марта шўрланган тупроқларда соя навлари уруғлари нитрагин-137 штамми билан ишлов бериб экилганда, тупроқда микроорганизмларнинг фаоллиги ошиб, биологик азот ҳосил қилиши аниқланган;

ўртача шўрланган тупроқларда соя навларида ривожланиш фазаларида борадиган физиологик жараёнлар (фотосинтез маҳсулдорлиги, транспирация жадаллиги) гуллаш фазасининг охири ва дуккак ҳосил қилиш даврида поянинг ўрта ярусларида юқори бўлиши аниқланган;

биринчи марта соя навлари уруғи таркибидаги мойнинг сифат кўрсаткичлари миқдорининг ўзгариши аниқланган;

соя навларининг донидаги моддаларнинг хавфсизлик даражаси ва санитар-гигиеник кўрсаткичлари ва ёғсизлантирилган ундан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларининг токсикологик кўрсаткичлари меъёр даражасида эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўртача шўрланган тупроқларда маҳаллий соя навлари Дўстлик назорат, Парвоз, Нафис, Краснодар селекциясига оид Славия ва Олимпия навларининг ўсиб ривожланиш онтогенези ва нитрагин-137 штамми таъсирида илдизларида тугунаклар ҳосил бўлиши аниқланган ҳамда соя етиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

*Glicine hispida* навларидан тайёрланган унларнинг тавсифи ва уларнинг технологик жиҳатдан ўзгариши, соя унининг органолептик ва кимёвий кўрсаткичлари санитария-гигиена талабларига мос келиши исботланган;

соя навлари донлари таркибидаги оксил ва оксил миқдорининг ўзгариб бориши ва соя мойидаги мойли кислоталарнинг миқдори ҳамда донидаги минерал моддаларнинг таркиби аниқланган;

соя дони ва ёғсизлантирилган уни таркибидаги токсинлар (қўрғошин, мышьяк, кадмий, симоб, мис), микотоксин (афлотоксин В<sub>1</sub>), пестицидлар миқдори аниқланиб, инсон организми учун мутлоқо хавфсизлиги биринчи марта исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация ишида ҳар бир тадқиқот тажрибалари энг камида 4 маротобадан ўтказилганлиги, бу эса энг ишончли ва барқарор натижаларнинг ўртача қийматини ҳисоблаб чиқиш имконини берганлиги билан асосланган. Экспериментал маълумотларга статистик хато, ўртача, ишонччилик интерваллари, стандарт оғишларни маълумотларнинг статистик сарҳисоби Excel ҳамда *STATISTICA 6.0* дастурлари ва стандарт методлар ёрдамида амалга оширилган. Натижаларни статистик аҳамиятини аниқлаш учун, Студент *t*-критерийси ҳисоблаб чиқилган. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижалар амалий маълумотларда тасдиқланган. Ишлаб чиқариш тажрибалари АЖ “Бухородон маҳсулотлари” (Бухоро ш), АЖ “Когондон маҳсулотлари” (Когон ш) ва АЖ “Когон ёғ-экстракция заводи”да олиб борилди ва синовдан ўтди. Тажрибаларни бир қисми Жондор тумани “Темир Фозил Фаёз” фермер хўжалигида олиб борилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Бухоро вилояти тупроқ-иқлим шароитида соя ўсимлигининг яхши ўсиб ривожланиши, ўсишидаги физиологик жараёнларни мақбул меъёрда бориши ва юқори ҳосил беришини кўрсатди, нитрагин-137 штамми билан ишлов бериб экилганда шўр тупроқларда тугунақлар ҳосил бўлиши, тупроқнинг биологик фаоллиги ошганлиги билан изоҳланган. Маҳаллий ва хориж соя навлари (*Glicine hispida*) дони, мой заводларда экологик хом ашё сифатида фойдаланилади. Соя донидан ун қилиниб нон ва булочкалар тайёрланиб дегустация қилинди, доннинг физик ва кимёвий кўрсаткичлари, органолептик хусусиятлари ҳамда токсикологик томонлари санитария меъёрларига мос келиши диссертация ишида биринчи марта назарий томондан ўрганилган, ҳамда жорий этиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, вилоятда мақбул соя навлари танлаб олиниб экилган ва юқори ҳосил олинган, ҳамда республикадаги мой заводлари ва қайта ишлаш саноатини сифатли, экологик тоза хом-ашё билан таъминлашга эришилган. Олинган маълумотлардан фермер хўжалиқларида, олий ўқув муассаларида йўналиш мутахассислари ва қайта ишлаш саноатида фойдаланиш аҳамиятлидир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўртача шўрланган тупроқларда соя навларининг физиологик хусусиятлари ва донининг биокимёвий таркибини илмий асослаш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

ўртача шўрланган тупроқларда соя навларида экологик тоза дон ҳосили етиштириш бўйича “Соя агротехникаси” номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази 18.11.2019 йил. Т-6-4-564-сон маълумотномаси). Натижада фермер хўжалиқларининг ўртача шўрланган тупроқларда ўрта пишар соя навларини етиштириш ва оқсилга бой экологик тоза дон ҳосили олишда қўлланма сифатида хизмат қилган;

ўрганилган соя навлари Бухоро вилояти майдонларига экиш учун жорий этилган (Ўзбекистон республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 18.11.2019 йил. 02/021-3749-сон маълумотномаси). Натижада навларнинг ривожланиши ва ҳосилдорлиги ўрганилган ҳамда биологик азотнинг ҳосил қилиш имкони аниқланган;

олинган натижалар асосида Бухоро шаҳридаги ун-нон заводида соя унидан буғдой унига қўшилиб тайёрланган нон ва булочкалар ишлаб чиқишга тавсия берилган ҳамда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси 18.11.2019 йил. АА/3-162-сон маълумотномаси). Натижада озиқ-овқат маҳсулоти сифатида токсикологик хавфсизлигини таъминлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 15 та Республика миқёсида ўтказилган илмий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1та монография, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 8 та мақола, шундан 5 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодаланган, тадқиқот предмети ва объектлари тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, мавзу анжуманлар ҳамда ишлаб чиқариш шароитларида тадқиқот натижаларининг апробацияси, диссертация структураси ва нашр этилган ишлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертацияни **“Соя навларининг биокимёвий таркиби, ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўйича адабиётларнинг аналитик таҳлиллари”** деб номланган биринчи бобида танланган диссертация мавзуси йўналиши бўйича адабиётлар чуқур таҳлил қилиб чиқилди. Хусусан, Бухоро вилояти ўртача шўрланган тупроқларида соя навларини етиштириш ва улардан озиқ-овқат ҳамда қайта ишлаш саноатида фойдаланиш учун технологик хоссаларини ўрганиш ва илмий асослаш масаласи долзарб ҳисобланади. Соя навларининг ўсиш ривожланишига таъсир кўрсатувчи биологик омиллар адабиётларни таҳлил қилиш натижасида исботланди. Кейинги пайтларда тупроқларнинг шўрланиб кетиши натижасида пахта ва ғалла экинларининг ҳосилдорлиги камайиб боришини статистик маълумотлар кўрсатмоқда аммо, соя навлари бундай шароитда-мақбул ўсиб ривожланиши ва сифатли дон ҳосил бериши исботланди.

Мавзуга оид илмий адабиётлар шарҳига мувофиқ айтиш мумкинки, соя донининг қимматбаҳолиги унинг таркибида барча аминокислоталарнинг мавжудлиги, органолептик ва токсикологик моддаларнинг меъёри, соя дони қайта ишлаш саноатида нон ва нон маҳсулотлари олишда экологик тоза маҳсулот эканлиги бизнинг олимларимиз томонидан кам ўрганилган. Адабиётларнинг чуқур таҳлили натижасида диссертациянинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **“Материаллар ва тадқиқот услублари, объекти ва дала тажрибаларини олиб бориш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида ўрганиладиган тажриба объекти, навлар, дала майдони тажрибалари материаллар таснифи, тадқиқот ва таҳлилнинг замонавий усуллари, лаборатория кузатишлари, ҳисоблашлар келтирилган. Улар тадқиқотнинг мақсади ва қуйилган вазифаларига мос тарзда танлаб олинган. Тажриба

майдонида барча вариантларда соя навларининг ривожланиш жараёни кузатилди. Ўсимликнинг онтогенез даври тўлиқ навлар кесимида ўрганилди ва ҳосил берувчи дуккакларнинг пояда жойлашиши, нитрагин-137 штамми таъсирида навларда барг сатҳининг ўзгариши, фотосинтез маҳсулдорлиги, транспирация жадаллиги, баргларда хлорофилл миқдорининг ўзгариши аниқланди. Соя навлари илдизларида нитрагинли ва нитрагинсиз вариантларда тугунаклар ҳосил бўлиши ўрганилди. Соя дони таркиби кимёвий жиҳатдан таҳлил қилинди ва донидаги мойнинг сифат ва физик кўрсаткичлари аниқланди. Ёғсизлантирилган соя унининг санитария-гигиена талабларига мослиги ундаги зарарли моддалар миқдори ва соя уни қўшилган буғдой унidan хамир қориш, хамирнинг технологик кўрсаткичлари ва булочкалар пишириш ўрганилди. Диссертацияни бажаришда энг сўнгги кимёвий, статистик-математик усуллардан фойдаланилди.

**Диссертацияни “Соя навларининг ўртача шўрланган тупроқ шароитдаги физиологик хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида турли соя навларининг Бухоро **вилоятининг** ўртача шўрланган тупроқларида ривожланиш **онтогенези** ўрганилди. Соянинг уруғи уч қисмдан иборат бўлиб: уруғ қобиғи, муртак ва уруғпалла баргларидан иборат бўлади. Уруғпалла соя уруғининг асосий қисмини ташкил қилиб, ўсимтани деярли икки ҳафтагача озик элементлари билан таъминлайди. Соянинг униб чиқишида тупроқни уруғпалла барглари билан кўтарилиб, бу барглар ўз навбатида қатқалоқни ёриб майсаларни кўтариб чиқади.



1-расм. Соянинг униб чиқиши

**Виргинил давр** - бу соянинг майса босқичи бўлиб, майсалари дастлабки ривожланиш даврида ҳаво ва тупроқ ҳарорати, тупроқ намлиги ва соя уруғининг ўзига қанча нам сингдириб олишига боғлиқ бўлиб, 15-25 кун ва ундан ҳам узоқроққа чўзилди. Бизнинг олиб борган тажрибаларимизда виргинил давр 12-15 кунни ташкил қилади.

**Ювенил** - бу ўсимликдаги иккинчи босқич бўлиб, пояда 3-5 та барглар ҳосил бўлганидан кейингина, ўсимликда ер устки ва ер остки органлари тезлик билан ўса бошлайди. Соя навларида **шоҳланиш** фазаси бошланади ёки

Ўсимлик жадал суръатлар билан юқорига ўсиб, ўсимликда ён шохлар пайдо бўла бошлайди.

Ён шохлар барг қўлтиқларида, ҳатто биринчи чин барг қўлтиғида ҳам ҳосил бўлади. Кейинги йилларда яратилган соя навлари пояларида ён шохлар кўпинча ҳосил бўлмайди, ёки поянинг тепа қисмида бир-икки дона ён шох ҳосил қилади. Бундай соя навларига детерминант навлар деб айтилади. **Бу гуруҳга ўрганилган** Славия ва Олимпия навлари киради. Республикамизда яратилган Дўстлик назорат навининг дон ҳосили 31,3 ц/га, уруғ вазни 137 г, поя баландлиги 121 см; Парвоз навининг дон ҳосили 37,4 ц/га, уруғ вазни 142 г, поя баландлиги 136 см; Нафис нави индетерминант бўлиб кўп шохлайди ва дон ҳосили 30,7 ц/га, уруғ вазни 136 г, поя баландлиги 129 см; детерминант навларда поялари ингичка бўлади. Поялари бақувват, ўртапишар индетерминант навлар эндиликда ўзбек селекциясига оид бўлиб қолмоқда, уларда ён шохлар пояда 15-25 см юқорида ҳосил бўлди (1-жадвал). Соя навларининг ботаник-морфологик кўрсаткичларида ўзгаришлар сезилмади, у биологик тоза экин бўлиб, тупроқ структурасини яхшилаши, физиологик жараёнларнинг боришини меъёрда сақлаб қолиши билан қимматбаҳо экин ҳисобланади.

1-жадвал

**Бухоро вилоят Жондор туманида соя навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари, (2014-2016 йй)**


Соя навлари	Дон ҳосили, ц/га	1000 дона уруғ вазни, г	Поя баландлиги, см
Дўстлик	31,3±0,4	137±0,7	121±0,5
Парвоз	37,4±0,5	142±0,9	136±0,8
Нафис	30,7±0,3	136±0,5	129±0,4
Славия	24,5±0,2	130±0,4	117±0,3
Олимпия	27,1±0,1	125±0,2	110±0,1

Ўртача шўрланган тупроқларда экилган соя навларида транспирация жадаллигининг ривожланиш фазаларида ўзгариши. Ўсимликларда транспирация жадаллиги тушунчаси, ўсимликларнинг барча ботаник-морфологик органларида борадиган ҳаётий жараёнлар, мураккаб қонуниятлар ва ҳодисалар занжирини ўрганишни тақозо қилади. Соянинг транспирация жадаллиги ривожланиш фазалари бўйича ўзгариб боради, айниқса дуккаклар ҳосил бўлиш фазасида транспирация жадаллиги энг юқори бўлади. Транспирация учун сарфланган сув соя ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигининг юқори бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Е.П.Боровой, О.А.Белик (2008) тадқиқотларида ўсув давридаги дала намлигини 75 % даражасида сақлаб, азотли ўғитни 115 кг, фосфорли ўғитни 80 кг ва калийли ўғитни 100 кг миқдорда қўлланилганда фотосинтез маҳсулдорлиги сутка давомида 4,86 г/м<sup>2</sup> га ошди. Ўртача шўрланган тупроқларда транспирация жадаллиги эрталаб соат 8<sup>00</sup>-20<sup>00</sup> гача аниқланди.

Олинган маълумотларга кўра, соат 20<sup>00</sup> да ўртапишар Славия ва Олимпия соя навларида 4,830 мг/г ва 4,714 мг/г бўлганлиги ва бу кўрсаткичлар ўртапишар Дўстлик навида 5,661 мг/г соатгача, Парвоз навида эса 5,834 мг/г соатдан Нафис навида бу кўрсаткич 5,100 мг/г соатгача ораликда бўлиб, тушки соатдагидан деярли 3 марта паст сувни буғлатгани маълум бўлди.

Ўртача шўрланган тупроқлар шароитида соя навларида фотосинтез маҳсулдорлик даражаси навлар кенсимида хар хил бўлди. Фотосинтез жараёнида куёш радиациясининг энергияси яшил ўсимликлар томонидан қанча кўп ютилса, дон ҳосили шунча кўп бўлиши аниқланди. Ўсимликларда фотосинтетик фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири барг юзасининг катталиги ва унинг шаклланиш динамикаси ва баргнинг CO<sub>2</sub> ассимиляциясида пояда жойлашиши муҳим аҳамиятга эга. Тажрибаларда соя навларида фотосинтез маҳсулдорлиги ўрганишда биз соя навлари барглари жойлашишига қараб уч ярусга бўлдик.

Тажрибаларда соянинг ўртапишар Дўстлик назорат, Парвоз, Славия ва Олимпия навлари олинди. Шу навларининг ғунчалаш, гуллаш, гуллашнинг охири ёки дуккак ҳосил қилиш ва пишиш фазаларида фотосинтез маҳсулдорлиги ўрганилди (2-расм). Барча навларнинг ўрта ярусда фотосинтез маҳсулдорлик юқори бўлди. Биринчи ярус 1-5 бўғимлар, ўрта ярус 6-9 ва юқори ярусда эса 9 бўғимдан юқори бўлган барглар олинди. Парвоз навининг ўрта ярусда фотосинтез маҳсулдорлиги 0,44-0,51 г/м<sup>2</sup>суткани ташкил қилди. Юқори ярусдаги барглар ҳам пастки ярусларга қараганда, уларда ҳам фотосинтетик фаоллик жараёни баланд бўлганлиги кузатилди. Бу жараённинг сабаби, пастки ярусларга куёш нурининг кам тушганлигидир.



2-расм. Турли соя навларида яруслар бўйлаб фотосинтез маҳсулдорлигининг бориши, г/м<sup>2</sup>сутка

Ўртача шўрланган тупроқларда соя навлари баргларида хлорофилл пигментларининг синтезланиши ривожланиш фазалари бўйича хар-хил бўлди. Хлорофилл яшил ўсимликлардаги ҳаётий жараёнларнинг боришида тўғридан-тўғри иштирок этиши ва фотосинтез маҳсулдорлигининг бориши

билан аҳамиятлидир. Хужайра тўқималарида хлорофилл **ҳисобига** яшил ранг сақланиб туради. Хлорофилл пигменти соя навларида пишиш муддатига қараб ўрганилди ва хулосалар қилинди. Иқлим **ўзгаришлари** натижасида ўсимликлар ривожланишида стресс таъсирлар вужудга **келиб**, экинларнинг маҳсулдорлиги пасайиб боради. Ана шундай салбий таъсирлардан **бири - тупроқ** шўрланиши ва ўсимликнинг сув билан кам таъминланиши ҳисобланади, тупроқнинг шўрланиши натижасида ўсимлик хужайраларида метаболизм жараёнлари сустлашади. Ўртача шўрланган тупроқлардаги соя навлари баргларидаги хлорофилл йиғиндисини ўсимликнинг ривожланиш **фазалари** ғунчалаш, гуллаш боши, гуллашни охири ва **пишишда** аниқланди.

2-жадвал

**Ўртача шўрланган тупроқларда соя баргларида хлорофилл пигментларининг ўзгариши**


Навлар	Ривожланиш фазалари	Хлорофилл миқдори, мг/г ҳўл массада			
		а	б	а+б	а/б
Дўстлик	ғунчалаш	1,190±04	0,420±04	1,510±01	2,28
	гуллаш боши	1,380±06	0,550±03	2,110±05	2,50
	гуллашни охири	1,329±04	0,539±03	2,068±07	1,87
	пишиш	1,170±04	0,390±08	1,560±07	2,20
Парвоз	ғунчалаш	1,620±02	0,790±04	1,641±06	2,68
	гуллаш боши	1,480±02	0,690±02	2,370±01	1,82
	гуллашни охири	1,550±05	0,690±05	2,340±05	2,40
	пишиш	1,321±02	0,466±04	1,787±06	2,98
Нафис	ғунчалаш	1,610±04	0,540±04	2,380±05	2,51
	гуллаш боши	1,385±02	0,470±02	2,351±05	1,41
	гуллашни охири	1,470±08	0,550±01	2,119±07	2,25
	пишиш	1,305±07	0,456±02	1,601±09	2,14
Олимпия	ғунчалаш	1,370±05	0,390±04	1,760±09	1,51
	гуллаш боши	1,700±02	0,640±05	2,340±01	1,57
	гуллашни охири	1,930±03	0,450±01	2,120±04	2,15
	пишиш	1,360±01	0,680±04	2,040±03	1,96
Славия	ғунчалаш	1,369±05	0,389±04	1,457±09	1,50
	гуллаш боши	1,402±02	0,537±05	2,341±01	1,20
	гуллашни охири	1,429±03	0,345±01	2,319±04	2,15
	пишиш	1,259±01	0,376±04	2,042±03	1,80

Диссертациянинг **“Соя уруғига экишдан олдин ишлов берилганда ўсимлик ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигининг ўзгариши”** деб номланган тўртинчи **бобида** соя навлари илдизларида нитрагин-137 штамлари билан ишланиб экилиши ва экилган жойдаги тупроқ-иқлим шароитлари ўрганилди. Тажрибада Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган **тупроқлари** нитрагин-137 штаммининг қўлланилиши **соя** навларининг **ўсиб**,

ривожланиши ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатди. Униб чиққанига 8-10 кун ёки **дастлабки** 15-16 кун бўлганда соя навлари илдизларида тугунақлар тўлиқ ҳосил бўлди.

**Соя навлари поясида дуккакларнинг жойлашиш яруслари.** Соя навларининг морфологик белгиларига асосан дуккакларни пояда жойлашиши **навнинг** ботаник белгилари ва туп сони кўп ёки кам бўлишига боғлиқ (3-расм).

Дуккаклар пояда қанча юқори жойлашса, сояни йиғиштириб олишда шунча яхши бўлади, улар пастда 6-8 см гача жойлашса, ўриб олишда дуккаклар тупрокда қолиб кетади. Тажрибада соя навлари поясидаги дуккакларнинг уч ярусда жойлашиши экиш муддатлари бўйича ўрганилди (2014-2016 йиллар). Кузатишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, соянинг ўртапишар Нафис навида 43-48 % дуккаклар ўрта ярусда жойлашади, юқори ярусда 32 % дуккаклар ҳосил бўлганлиги маълум бўлди. Пастки ярусда эса 20-25 % дуккаклар жойлашди.



3-расм. Соя навлари дуккакларининг поя ярусларда жойлашиши (нитрагинли) % ҳисобида, (2014-2016 йиллар)

Диссертацияни “Соя навлари донининг биокимёвий таркиби ва хоссалари” деб номланган бешинчи бобида турли меъёрларда қўшилган соя унининг соя-буғдойли ун аралашмасининг унбоплик хоссаларига таъсири ўрганилди.

Оқсил таркибини ўрганиш учун биринчи нав буғдой уни ва ярим ёғсизлантирилган биринчи нав соя унидан 95:5, 90:10, 85:15 ва 80:20 нисбатда хамир тайёрланди ва клейковинасини ювиб, унинг миқдорини, гидротацион қобилятини, клейковинанинг деформацияловчи юкламага кўрсатувчи таъсири аниқланди. Соя унининг миқдорини 5 %дан 20 % гача оширганда ўрганилаётган унли аралашмалар таркибидаги хўл ва курук клейковина чиқиши тажриба намунасига нисбатан 8-23 % га ва 7,1-13,8 % камаяди ва аралашмалардаги нам сақловчанлик эса тажриба намунасига нисбатан 3-18 % га ортади.

## Соя унидан лаборатория шароитида аниқланган натижалар

Кўрсаткичлар номи	Талаб асосида	Олинган натижа, мг/кг	Талабга мос келиши
Токсинлар, мг/кг дан кўп эмас			
Кўрғошин	1,0	0,00	мос
Мышьяк	0,3	0,00	мос
Кадмий	0,1	0,00	мос
Смоб	0,05	0,00	мос
Мис	15,0	0,051	мос
Микотоксинлар, мг/кг дан кўп эмас			
Афлотоксин В <sub>1</sub>	0,005	0,000	мос
Пестицидлар, мг/кг дан кўп эмас			
ГХЦГ ва изомерлари	0,2	0,000	мос
ДДТва метоболитлари	0,05	0,000	мос
Физик-кимёвий кўрсаткичлар, гр			
Оқсиллар	38,5	34,6	мос
Ёғлар	20,2	18,0	мос
Углеводлар	25,0	18,2	мос
Кулдорлик	4,7	5,2	мос эмас
Озукавий қиймати	429,0	322,3	мос

Лаборатория усулида аниқланган натижаларга асосан соя донидан олинган ун маҳсулотининг калорияси 322,3 ккал/100 грамм ни ташкил қилди (3-жадвал).

Олинган натижалар биринчидан соя унида клейковина ҳосил қилувчи оқсилнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланса, иккинчидан соя оқсилининг ўзига хос хусусияти, яъни хамирдаги-SS-боғнинг-SH-гуруҳ нисбати билан аралашиб, -SS-боғ томонга ўтиши унинг гидратацион қобилятининг ортишига ва реологик хоссаларининг ўзгаришига олиб келиши билан изоҳланади. Демак, соя унини кўшиш хўл клейковинанинг эрувчанлигига ҳам таъсир кўрсатади.

Унли аралашмадаги соя уни меъёрининг клейковина чиқиши ва сифатига буғдой ва соя уни аралашмасидан ювилган клейковинани чўзилувчанлик қобилятининг ошиши умумий оқсил таркибидаги харакатланувчи полипептидлар улушининг ортиши ҳисобида бўлди (4-жадвал). Соя унини кўшишни 5%дан 15% га оширганда, хўл клейковинанинг эрувчанлиги тажрибага нисбатан 0,1 н уксус кислотаси эритмасида 11-53 % га, 12 %-ли салицилат натрий эритмасидаги эрувчанлиги 21-48 % га камайди.

Унли аралашмада соя уни миқдорини ошириш билан амилазаларнинг крахмалга таъсири натижасида шакар ҳосил қилиш қобиляти назорат намунасига нисбатан 20-43 % ортади, бу эса буғдой ва соя уни

аралашмасидан тайёрланган хамирда газ ҳосил қилиш қобилятининг жадаллашуви билан тасдиқланди.

4-жадвал

**Унли аралашмадаги соя уни меъёрининг клейковина чиқиши ва сифатига таъсири**

Кўрсаткичлар	Хамир клейковинаси сифати				
	Буғдой уни (тажриба)	Буғдой ва соя уни аралашмаси			
		95:5	90:10	85:15	80:20
Хўл клейковина миқдори, %	32,8	30,6	28,4	26,1	25,0
Қуруқ клейковина миқдори, %	11,48	10,8	11,0	10,44	10,0
Клейковинанинг чўзилувчанлик қобиляти, %	185,0	191,0	196,0	205,0	219,0
Клейковинанинг деформацияловчи юкламага қаршилик кўрсатиш қобиляти, ( $N^{ИДК}_{деф}$ )	65,0	65,0	60,0	58,0	55,0
Чизғичда чўзилувчанлиги, см	13,0	13,0	12,0	11,0	9,0

5-жадвал

**Соя унидан тайёрланган булочка маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар номи	Талаб асосида	Олинган натижа, мг/кг	Талабга мос келиши
Токсинлар, мг/кг дан кўп эмас			
Рух	25,0	13,1	мос
Кадмий	0,07	0,00	мос
Қўрғошин	0,35	0,00	мос
Мис	5,0	0,12	мос
Симоб	0,015	0,00	мос
Мышьяк	0,15	0,00	мос
Микотоксинлар, мг/кг дан кўп эмас			
Афлотоксин В <sub>1</sub>	0,005	0,000	мос
Пестицидлар, мг/кг дан кўп эмас			
ГХЦГ унинг изомерлари	0,2	0,000	мос
ДДТ ва унинг метоболитлари	0,05	0,000	мос
Физик-кимёвий кўрсаткичлар, гр			
Оқсиллар	7,6	10,8	мос
Ёғлар	5,0	3,8	мос
Углеводлар	56,9	70,4	мос
Кулдорлик	1,5	2,0	мос эмас
Озуқавий қиймати	288,8	341,4	мос

Турли меъёрдаги соя унининг нон сифатига таъсири. Сояли-буғдой уни аралашмасидан пиширилган буғдой кўрсаткичларга таъсирини аниқладик. Назорат **вариантларида** фақат буғдой унидан нон пиширилди. Тажриба вариантларида **эса** 1-нав буғдой унига 5, 10, 15 ва 20 % ярим ёғсизлантирилган 1-нав соя унидан кўшилди.

**Соя унидан: хамир қорганда соя унинг оқсили яхши бўқади, шунинг учун уни оддий буғдой уни билан сувда яхшилаб аралаштириб хамир ҳолатига келтирдик.** 30-40 минут давомида 20-22<sup>0</sup> С ҳароратда хамирни тиндиришга қўйдик. 30-40 минутдан кейин етилган соя уни ва буғдой унидан кўшиб қорилган хамирнинг ранги тиниқ сарғимтир рангга **кирган. 40 минут давомида соя уни кўшиб пиширилган нон тайёр бўлди ва нон бўлакчалари 291 г вазинни ташкил қилди.** Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра навли буғдой уни таркибига 15 % миқдориди соя уни кўшган ҳолда ундан фойдаланиш ярим фабрикатларнинг технологик хоссасини ва тайёр маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаши мумкин эканлигини кўрсатмоқда.

**Соя навлари дони таркибида мой кислоталари миқдори ҳар хил даражада ўзгариши кузатилди.** Соя дони етарлича оқсил ва мойга бой бўлсада, республика озиқ-овқат саноатида кенг тадбиқ этилмаган. Дон таркибида 47 % гача парҳез оқсил, енгил ҳазм бўлувчи тўйинмаган 22-25 % мой бўлиб, **шунингдек,** биологик фаол моддалар, витаминлар ва микроэлементлар мавжуд. Мойнинг таркибида триглицеридлар, токофероллар, темир моддалари энг кўп миқдорда эканлиги **аниқланди.**

## ХУЛОСАЛАР

1. Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган тупроқларида турли **соя навларининг** ўсиши, ривожланиши ва соя дони олиш бўйича олиб борган илмий тажрибалар ижобий натижа берди. Ўртача шўрланган тупроқларда биринчи марта Ўзбекистон ва Краснодар селекциясига оид соя ўсимлигининг ўртапишар навлари ўрганилди ва ривожланиш даврида борадиган физиологик жараёнлар ҳамда, соя донининг кимёвий таркиби аниқланди.

2. Келиб чиқиш селекциясига кўра турлича бўлган серҳосил ўртапишар соя **навлари** танлаб олинди ва ўртача шўрланган тупроқларда яхши ўсиши ва ривожланиши аниқланди, чунки соя шўрланган тупроқларда ўсмайди деган турли фикрларнинг асоссиз эканлиги **аниқланди.** Соя навларининг ўртача шўрланган тупроқларда ўсиб ҳосил бериши, республикадаги мой заводлар ва бошқа қайта ишлаш тармоқларини ўзимиздан чиққан сифатли, арзон мойли уруғлар хом-ашёси билан таъминланди.

3. **Соя навлари биологиясига кўра, ўртапишар соя навларининг ўсув даври Славия ва Олимпия 90-95 кун, ўртапишар Дўстлик, Парвоз ва Нафис навларида 110-120 кунга чўзилди.** Славия ва Олимпия навлари Краснодар **тупроқ-иклими** шароитида ўртапишар навлар бўлган, аммо бизда бу навларнинг ўсув даври қисқариб кетди. Гуллаш даври соя навларида узок

чўзилиб, соянинг Краснодар навларида 17-30 кунгача, маҳаллий навларда эса 40-45 кунгача давом этди.

4. Соя навларининг транспирация жадаллиги барча навларда соат 12<sup>00</sup>-14<sup>00</sup> оралиғида юқори бўлди. Ўсимлик соат 20<sup>00</sup> да, соат 12<sup>00</sup>-14<sup>00</sup> дагидан деярли 3 марта сувни кам буғлатди. Транспирация жараёнини ўрганганимизда соя навларининг ўрта ва ўртапишарларнинг сувни жадал буғлатиши ривожланиш фазасига кўра ўзига хос қонуниятлар борлиги аниқланди. Россиядан келтирилган Славия ва Олимпия соя навлари июн ойида сувни соат 12<sup>00</sup>-14<sup>00</sup> да жадал буғлатди. Ўртапишар маҳаллий навларда сувни буғлатиш жадаллиги июл ойида энг юқори бўлиши кузатилди.

5. Дўстлик, Парвоз ва Нафис ўртапишар навлари шўрланган тупроқларда серҳосил ва фотосинтетик маҳсулдорлиги юқори навлар ҳисобланди. Россиядан келтирилган Славия ва Олимпия навлари бизнинг иқлим шароитимизда юқоридаги навларга нисбатан ўсув даврининг муддати 15-22 кунга қисқарди. Навларнинг дуккак ҳосил қилиш фазасида фотосинтез маҳсулдорлиги юқори бўлди. Ушбу навлар кўрсаткичларига кўра, ўсув даври чўзилиши ва барглари йирик ҳамда овалсимон бўлиши туфайли фотосинтез жараёни ва ҳосилдорлиги юқори бўлди. Россия навларида фотосинтез муддати қисқа ва ҳосилдорлик кам бўлди. Парвоз нави ўсув даврида кўп барглар ҳосил қилди ва барг сатҳи 1400 см<sup>2</sup> ҳамда Дўстлик навида эса барг сатҳи 1301 см<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Фотосинтез жадаллиги дуккаклар тўлишиш фазасида юқори эканлигини қайд этилди.

6. Тупроқда тузларнинг кам бўлиши, соя баргларида хлорофилл пигментлари юқори бўлишига олиб келди. Хлорофилл пигментларининг миқдори ва фотосинтез жараёнининг пасайиши ўзига хос қонуният асосида шаклланиб, ўсимликда ҳосилдорлик ўзгариб борди. Тупроқдаги туз таъсиридан ўсимлик стресс ҳолатга кириб, хужайралари кичрайди ва фотосинтез секинлашди. Тупроқдаги тузлар хлорофилл а пигментларига таъсир кўрсатиб, ўз навбатида фотосинтетик аппаратни зарарлайди, бунинг оқибатида дон ҳосилдорлигининг пасайиши аниқланди.

7. Илдизларида ўртача шўрланган тупроқлар микрофлорасида *Rizobium japonica* ризобиум бактериялари ҳосил бўлиши туфайли соя навлари яхши ўсиб ривожланди. Ўсимлик илдизларида ҳосил бўлган тугунаклар туфайли ўсув даврида ўзини азотли ўғит билан таъминлаб, тупроқ унумдорлиги ошди. Соя дони Нитрагин-137 штамми билан ишлов берилганда тупроқда микробиологик жараёнлар кучайди, тупроқдаги микробиологик фаоллик натижасида унумдорлик ошди.

8. Навларда доннинг кимёвий таркиби ўрганилганда, Дўстлик нави донида 42,1 %, Славия нави донида 34,01 % ва Олимпия навида оқсил миқдори 40,2 % эканлиги, худди шу навларнинг дони таркибида мой миқдори 18,6 %, 19,6 %, эканлиги аниқ бўлди. Тажриба натижаларига кўра қайси навда оқсил миқдори юқори бўлса, шу навда мой миқдори кам бўлиши бир-бирига тескари боғлиқ тарзда бориши аниқланди.

9. Буғдойдан тайёрланадиган хамирга 5, 10, 15 ва 20 % соя унини қўллаш натижасида илк марта ижобий натижага эришилди. Соя уни қоришни

**енгиллаштириб**, хамирга ишлов беришни осонлаштирди ёки ферментатив фаол соя уни **каротиннинг** оксидланишини фаоллаштириб, клейковинани мустаҳкамлади, нон мағзини оқартириб, **ноннинг** ҳажмий оғирлигини, нонни сақлаш муддатини оширди ҳамда ноннинг мазасини ва ароматик кўрсаткичларини **кучайтирди**. Соя уни ноннинг қотишини секинлаштириб, нон ва булочка **маҳсулотларига соя уни** қўшилганда ранги тез **қизариб**, ёнғоқ таъмга эга бўлди. **Ун таркибида органолептик кўрсаткичлар талаб даражасида эканлиги аниқланди.**

10. Соя навларидан олинган мойлар таркиби тўйинган ва **тўйинмаган** ёғ кислоталари ҳамда линол ва линолин кислоталар таркибига **кўра**, инсон организми учун сифатли мойлар турига кириши аниқланди. **Дўстлик навининг дони** таркибидаги линол кислота миқдори 57,28 %, линолин миқдори 4,85 % ва Славия навли соя дони таркибидаги линол **миқдори 56,85 %**, линолин миқдори 4,67 % ни ташкил қилди. Нон ва нон маҳсулотларига соя уни қўшилганда заҳарли элементлар, микотоксинлар, пестицидлар миқдори бўйича (Ягона санитар-эпидемиологик ва гигиеник) талабларга тўғри келади.

11. Соя навлари унида 47 % гача парҳез оқсил, енгил ҳазм бўлувчи тўйинмаган мой ва 30 % гача карбон сувлари (асосан моно- ва дисахаридлар) мавжуд, уларда биологик фаол моддалар ва витаминлар, микроэлементлар мавжуд. Соя оксилининг биологик **қиймати 95 бирликни** ташкил этди. Соя мойи таркибида фосфатидлар, лецитин, нефалин сингари витаминлар ва каротиноидлар миқдори етарли даражада мавжуд. Соя мойида тўйинмаган мой кислоталари 80-94 %, ярим тўйинмаганлари эса 6-22 % ни ташкил этди.

12. Соя уруғи ва унининг биокимёвий таркибидаги сувда эрийдиган оқсил ва ёғ миқдори аниқланди. **Дўстлик навининг** уруғида умумий оқсил миқдори **38,89 %**, сувда эрийдиган оқсил миқдори **13,56 %**, ёғ миқдори **20,78 %** ва Славия навининг уруғида умумий оқсил миқдори **34,01 %**, сувда эрийдиган оқсил миқдори **12,85 %**, ёғ миқдори 20,54 % ни, шунингдек, **Дўстлик** нави унидаги умумий оқсил миқдори 46,92 %, сувда эрийдиган оқсил миқдори 14,21 % ва Славия нави унидаги умумий оқсил миқдори 41,43 %, сувда эрийдиган оқсил миқдори 13,46 % ни ташкил этиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.06.2018.В.72.02  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ  
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТИ**  

---

**БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ХАМРАЕВА МАРГУБА КАМИЛОВНА**

**НАУЧНОЕ ОБОСНОВАНИЕ ФИЗИОЛОГИЧЕСКИХ  
ОСОБЕННОСТЕЙ СОРТОВ СОИ И БИОХИМИЧЕСКОГО СОСТАВА  
ЗЕРНА НА СРЕДНЕЗАСОЛЕННЫХ ПОЧВАХ**

**03.00.07 – Физиология и биохимия растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ(PhD)ПО  
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована высшей аттестационной комиссией при кабинете министров Республики Узбекистан за номером В2019.2.PhD/В287.**

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)), а так же на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Ёрматова Диларом Ёрматовна**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные аппоненты:** **Кушиев Хабибжон Хожибобевич**  
доктор биологических наук, профессор  
**Жумаев Фарход Хожикурбоневич**  
кандидат биологических наук, доцент

**Ведущая организация:** Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020\_\_ г. в \_\_\_ часов на заседании научного совета PhD.28.06.2018.В.72.02 при Бухарском Государственном университете по адресу:(200117, город Бухара, улица М.Иқбол, 11 дом. Тел: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-26-12, e-mail: [bsu\\_info@edu.uz](mailto:bsu_info@edu.uz)).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (№ \_\_\_\_\_), с которой можно ознакомиться по адресу: 200117, город Бухара, улица М.Иқбол, 11 дом. Тел: (99865) 221-29-14); факс: (+99865) 221-26-12.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020\_\_ года.  
(протокол рассылки № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020\_\_ года.)

**А.Э.Холлиев**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.б.н.,  
профессор

**Н.Э.Рашидов**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, к.б.н.,  
доцент

**С.Б.Бакоев**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** С повышением численности населения в мире потребность в пищевых продуктах также повышается. Это предполагает повышения, налаживания урожайности и качества урожая сельскохозяйственных растений. 35 % растительного масла, производимого является продуктом соевых семян. Соевые семена и изоляты являются одним из наилучших сырьем в пищевой промышленности, непревзойденным питательным белковым кормом для скотоводства, птицеводства и рыболовства. Согласно последним данным, посевные площади сои в мире составляют 117 миллионов гектаров. Самая большая площадь посева сои находится в Соединенных Штатах и в Бразилии, и составляет 36,3 и 33,7 млн. гектаров соответственно, и урожай посевов сои по всему миру достиг 356 млн. тонн.

В мировых странах, выращивающих сою, особое внимание уделяется её использованию в качестве продуктов питания в пищевой промышленности, а также как культура для освоения биологического азота из воздуха для восстановления плодородия почвы. В результате посадки семян сои с нитрагиновыми штаммами в корне растения образуются клубни, что позволяет насытить почву биологическим азотом после сбора урожая сои. Этот метод является одним из лучших биологических методов для накопления азота в почве. Соевые зерна содержат 40-43 % белка и 21-23 % жира, и абсолютно не содержат вредных для человеческого организма веществ. Из соевых семян производятся более 400 различных наименований продуктов. Кроме соевого масла, соевое молоко, тофу, окара, соевый белок, соевый изолят, что повышает урожайность и качества урожая за счет усиления, и это имеет важное научно-практическое значение.

В нашей республике были разработаны комплексные меры по полному удовлетворению потребности населения в выращенных у нас хлеба и хлебных продуктов, обращено особое внимание их внедрению. В 2019 году во всех регионах общая площадь посева сои составила 19 500 гектаров целью которых, уделение особое внимание научным исследованиям по посадке новых сортов сои, адаптированных к различным почвенным климатическим условиям Республики, получению высокой урожайности, отбору и культивированию, а также изучению физиологических процессов в ходе онтогенеза.

Необходимо обратить внимание на обеспечение масличных предприятий семенами масличных культур с использованием соответствующих технологий и сокращение объема импорта соевого зерна. Масложировые заводы во всех областях в настоящее время извлекают соевое масло от семян и используют изолят в качестве белковых кормов для птицеводства и животноводства. Важное значение имеет изучение изменчивости, соевые зерна выращиваются на больших площадях страны как источник экологически чистых, высококачественных продуктов питания, а также для повышения плодородия почвы.

Диссертационное исследование в определенной степени служит претворению задач, Указ Президента Республики Узбекистан № ПП-2832 от 14 марта 2017 года «О мерах по увеличению посева сои и увеличения объёма её выращивания в Республике в 2017–2021 годах» служит основой для развития выращивания сои в республике, и данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, указанных в других нормативно-правовых актах намеченных в 3.3-пункте по модернизации и развитию сельского хозяйства Указа Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за номером УП-4947 «О Стратегии действий<sup>2</sup> по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» проведены комплексные работы, что дает возможность эффективного развития сельского хозяйства.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнологии, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Изучение физиологических особенностей местных и импортируемых из-за рубежа сортов сои, а также биохимии собранного зерна, во-первых позволяет получать качественное и высоко урожайное зерно, во-вторых, даёт широкую возможность использование зерна сои в перерабатывающей промышленности. Физиология и биохимия сортов сои сегодня плохо изучены.

Исследования в этой сфере приведены в работах К.Сафарова, Ҳ.Атабоевой, Д.Ё.Ёрматовой, Д.Аннамуротовой (1980). По физиологии сортов сои были изучены работы Л.Я.Ауэрман, М.Г.Васиева (1981), Л.А.Азина (1980), Д.Ё.Ёрматовой (2014), Н.Б.Гержой, Г.С.Щербаковой, Т.С.Штейнберг, И.В.Копенкова (1983), Н.Н.Гатько (2007), по химическому составу зерновых культур работы Р.А.Хаитова, Ҳ.Б.Эргашевой, В.Э.Раджабовой, Р.Т.Адизова, Б.Б.Тоирова, С.Д.Бобоева (2008) и других учёных. Однако, проведённые в направлении развития экотипов сои в засоленных землях, в том числе повышение урожайности и использование её в промышленности по производству пищевых продуктов, недостаточны, поэтому создание технологии производства продовольственных продуктов, имеющих богатый химический состав, и внедрение этой технологии в практику, является приоритетной задачей на сегодняшний день, и имеет научно-практическое и экономическое значение.

**Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено по научно-исследовательскому плану Бухарского инженерно-технологического института на тему («Научное

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года N УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

обоснование физиологических особенностей сортов сои и биохимического состава семян в умеренно засоленных почвах»).

**Целью исследования** является в определении физиологических особенностей (*Glicine hispida Maxim*) местных и зарубежных сортов сои и обоснование биохимического состава зерна в умеренно засоленных почвенно-климатических условиях.

**Задачи исследования:**

